

# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 7-8 (246-247) 2016-YIL OKTABR-NOYABR ISSN-2010-9393 1993-YIL, 21-MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги  
415-сонли буйруғига биноан уч нафар  
талабамиз Навоий номидаги Давлат  
стипендиясига сазовор бўлишди**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!!!



**Абдугаппарова  
Шодиёна  
Адашали қизи**

Ўзбек тили ва  
адабиёти  
факультети  
3-босқич  
талабаси



**Шодиёв  
Одилжон  
Фурқат ўғли**

Ўзбек тили ва  
адабиёти  
факультети  
3-босқич  
талабаси



**Облокулова  
Шахло  
Асроркул қизи**

Чет тиллар  
факультети  
4-босқич  
талабаси

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ УЧУН ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР қурилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарор имзоланди.

Эътиборлиси, мазкур ҳужжатга асосан, кейинги беш йилда амалга ошириладиган қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам ҳамда арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида, тегишли ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тизимлари, транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган Дастур аниқ ва пухта чора-тадбирларни қамраб олган.

Дарҳақиқат, бу дастурда қишлоқларда яқка тартибда уй-жой қурилишига замон талабларига мос ва ўзига хос ёндашувни кўрамиз. Унга мувофиқ, имтиёзли кредит беришнинг қулай шартларини жорий этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш сингари муҳим

йўналишлар асосида уй-жойларнинг янги намуналарини қуришда фуқаролар учун ҳар томонлама имкониятлар яратилади.

15 йил муддатга ипотека кредитларининг 3 йиллик имтиёзли давр ва биринчи беш йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдорида, кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаслиги, қурилиш-монтаж ишларининг сифатига қўйиладиган талабларнинг оширилиши ҳамда дастурнинг самарали бажарилиши давлат тузилмаларининг алоҳида назоратида бўлиши ва тизимли мониторинги юритилиши яна бир аҳамиятли жиҳатдир.

Албатта, қишлоқ аҳолисининг муносиб турмуш кечиришига кўмаклашишдек эзгу ниятга йўғрилган бу ташаббусни фуқароларимиз чексиз миннатдорлик ва мамнунлик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ў.А.

## Ахборот

### Жиззахда яна бир корхона

"Жиззах" махсус индустриал зонаси том маънода вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

"Экоклимат" масъулияти чекланган жамияти негизда иссиқлик ўтказмайдиган шиша толали материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна битта корхона иш бошлади. Лойиҳа қиймати 7 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур корхона йилига 10 минг тонна ёки 24 миллиард сўмликдан ортиқ импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маҳсулотларнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда. Корхонада яратилган 100 та янги иш ўрнининг аксариятини касб-хунар коллежларини битирган ёш мутахассислар банд этди.

Натижада, махсус индустриал зона ташкил этилганидан буён ўтган вақт мобайнида ҳудудда умумий қиймати 44,1 миллион доллар бўлган 13 та корхона фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида улар томонидан 133 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 750 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди. 770 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

### Иқтисодий зоналар фаолияти жадаллашди

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёев "Эркин иқтисодий зоналар фаолияти-ни фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

Мамлақатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омилли сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳамда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналар деб аталадиган бўлди.

### Бош вазирнинг Виртуал қабулхонаси

Жорий йилнинг сентябридан бошлаб, аҳоли ва тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига юборилаётган мурожаатлардаги масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган ишларни тубдан такомиллаштириш мақсадида Бош вазирнинг интернет тармоғидаги электрон қабулхонаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган мурожаатлар билан ишлаш тизимини самарали ташкил этиш бўйича ҳукумат топшириғига кўра, 2016 йил 22 сентябрда вилоят ҳокимининг 365-сонли қарори, шаҳар ҳокимининг 2016 йил 1 октябрдаги 152-ф сон фармойиши қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган мурожаатлар билан ишлаш, бу борадаги фаолиятнинг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида ташкил этилишини мувофиқлаштириб бориш бевосита тегишли мутасадди раҳбар, ходимлардан иборат ишчи гуруҳи зиммасига юкланди.



**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг жорий йил сентябрь ойида ўтган 71-сессияси мажлиси олдида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовни ёд этиш маросими бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар ва БМТ вакиллари буюк йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.**

**24 октябрь —  
БМТ ташкил  
топган кун**

Биринчи Президентимиз ана шундай ҳурмат-этиборли, бутун дунё учун қадрли, улуг давлат арбоби эди. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувликни таъминлабгина қолмай, бошқа давлатларни ҳам шунга ундар эди. Ҳар доим хавф-хатарларни аввалдан сезиб, уларнинг олдини олиш йўлларини кўрсатиб берар, тинчлик ва барқарорлик учун жон куйдирадди. Минтақавий ва халқаро масалаларда БМТ ҳужжатларидаги ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш, турли зиддиятларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш зарурлигини таъкидлар эди.

Бу — дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида тузилган БМТнинг асосий фаолиятига ўзига хос таянч ва қувват бўлди. Буни юқорида қайд этилган Бош Ассамблея йиғилишида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам алоҳида таъкидлади. "Ўзбекистон раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислон Каримов ташаббуси билан Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этилгани ҳақон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди", деди у.

Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган "6+2" мулоқот гуруҳини ташкил этиш, Орол муаммоси оқибатларини бартараф этиш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотик

## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

моддалар ва қурол-яроқларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасидаги таклиф ва саъй-ҳаракатлар бутун минтақа манфаатларига хизмат қилди.

Биринчи Президентимиз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил этиш гоёсини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш кўмитасининг ташкил этилиши бу гоёнинг амалдаги натижаси эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 март куни аъзо бўлган. Бугун мамлакатимизда унинг қатор тузилмалари — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқарма, ОИВ/ ОИТС бўйича бирлашган дастур ва бошқа тузилмаларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётди.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоҳида эътиборга молик. Мазкур ташкилот юртимиздаги тарихий обидалар, қадимий шаҳарлар, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек хал-

қининг бой меросига катта эътибор билан қарайди. Ўзаро ҳамкорликда ҳар икки йилда "Шарқ тараққилари" халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарларидаги кўплаб обидалар ЮНЕСКОнинг Бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган. 2014 йил май ойида "Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига

роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция ўтказилган.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжат дунёдаги икки йирик халқаро тузилманинг алоқаларига асос бўлиб келмоқда.

2015 йил июнь ойида мамлакатимизга яна бир бор ташриф буюрган Пан Ги Мун Ўзбекистон Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида қайд этди. Бу муваффақиятларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган, инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

**Файрат ҲАМРОЕВ,  
умумий тарих  
кафедраси ўқитувчиси.**

**Ўқинг, қизик!**

## Билиб қўйган яхши

Ер юзиде 6 минг 909 тил мавжуд. ЮНЕСКО маълумотида кўра, улардан 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил сифатида қўлланилади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида расмий тил мақоми давлат тилидан фарқланмайди. Бироқ айрим давлатлар бундан мустасно. Масалан, Швейцария конституциясига биноан, немис, француз, италиян тиллари — расмий тил; немис, француз, италиян ва ретороман тиллари эса давлат тили саналади.

Ўзбекистонда расмий тил ва давлат тили битта. Ўзбек тилига 1989 йилда давлат тили мақоми берилган (фақат Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қорақалпоқ тили ҳам давлат тили сифатида қўлланилади).

1989 йил 21 октябрда "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида" ги Қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади. Шу билан бирга, бошқа миллат ва элатларнинг тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳам таъминланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда мактаб таълими етти тилда олиб борилаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида улкан давлатнинг расмий тили бўлган ўзбек тили тарихан энг қадимги туркий, қадимги туркий, эски туркий, эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тили каби 5 босқични босиб ўтган узоқ тарихга эга "отaxon" тиллардан саналади.

Дунёда 6000 дан ортиқ тил ва лаҳжа бор. Унинг 400 таси ўз ёзувига эга. Ундан фақат 100 тасига ўз мақомига эга. Биз ана шундай тил соҳиби бўлганимиздан фахрланамиз.

**21-октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун**

## Тил — миллат руҳи

даги Фармонни мамлакатимизда босқич-ма-босқич, изчил равишда олиб борилаётган тил сиёсатининг мантқиқий давоми, ўзбек миллатининг узоқ келажагини таъминловчи, шу соҳада ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида фундаментал норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Фармон ўз моҳияти билан концептуал аҳамиятга эга. Унда дунё тиллари орасида ўзбек тилининг ўрнини белгилаш, бу соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, ўзбек тили ва адабиётини янги ахборот ва педагогик технологиялар асосида ўқитишни ташкил этиш, ўзбек тилини компьютер тилига айлантириш, бой ва кўҳна адабий меросимизни бошқа тилларга таржима қилиш каби масъулиятли вазифалар белгилаб берилди. Бу жихатдан ўзбек тилининг ривожига муносиб ҳисса қўшган шарқ тиллари, жумладан, араб, форс тилларини ўрганиш, адабий алоқаларни кучайтириш масаласи кун тартибиде турган энг долзарб масалалардан саналади.

Ўтган асрнинг бошларида чоп этилган миллий нашрларимизда маърифатпарвар боболаримизнинг она тилини муҳофаза этишга интилиб ёзган даъватлари бор эди. Шўро ҳукумати ўрнатилгандан кейин зиёлиларимиз ўз тилимизни давлат тили мақомига кўтаришга катта умид билан қарадилар. 1918 йили матбуотда чоп этилган мақолалардан бирида: "Эски ҳукумат замонида биз туркистонлилар ҳукуматнинг расмий идора ва мактаблари нари турсин, ўз мактабларимизда ҳам она тилимизда илм-фан ўқумоққа қомил иштиёрли эмас эдик... Худога шукрлар бўлсинки, ондай сиқинтилик ва шиканжалардан қутулдик. Эндиликда тилимизни ҳукумат тили қилурга ҳаракат этмоғимиз лозимдир", дейилган. Бироқ 1921 йилги матбуот нашрларида тил ҳақидаги қарорнинг фақат қозғоғидеги қилиб кетгани бир қанча зиёлиларимизнинг надомат билан ёзган мақолаларида кўзга ташланади. Чунончи, Ҳожи Муин, М. Шермухаммедов сингари маърифатпарварларнинг мақолаларида ўзбек тилининг давлат тили сифатида юритилмаётгани таассуф билан қайд этилади. Ҳожи Муин ҳукуматнинг идора ва маҳкамаларида ўзбек тилини "ишлатмак учун бош-лаб таржимонлар, мирзолар ва бухгалтерлар этишдурмак керак эди ва мунинг учун керакли ишлар ҳозирламак лозим

эдики, маалтаассуф, бу ишлар бу кунгача ишланмади", дейди. У кўплаб мажлислар ўтказилгани, қарорлар чиқарилгани, лекин йўқ даражада оз иш қилинганини куйиниб ёзади. Зиёлиларимизнинг 30-йиллардаги бундай ҳаракатлари бекор кетгани, аксинча, бу уларнинг қатагонга учрашига сабаб бўлгани тарихдан маълум.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг жасорати билан қардош республика тиллари орасида биринчилардан бўлиб она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бу воқеа нафақат тилимизнинг, айна чоғда халқимизнинг ҳам қаддини кўтарди.

Ҳозирги шиддатли глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетақдор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганишимиз, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самардорлигини кучайтиришимиз зарур. Биздан таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш, она тилимизнинг интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг тадбиқ этиш талаб этилмоқда.

Ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш ва амалга тадбиқ этиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор, педагогик технологияларни кенг жорий этиш мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлидаги вазифаларимиздир.

**Шодиёна АБДУГАППАРОВА,  
Навойи номидаги Давлат  
стипендияси соҳибаси.**

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг "Юсак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидланганидек: "...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамийки эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".

Мустабид тузум ҳукмронлиги пайтида (ўтган асрнинг 80-йиллари охири) Биринчи Президентимиз шижоати билан миллий тил масаласи кўтарилди, унга 1989 йил 21 октябрда Давлат тили мақоми берилди, шунинг билан маънавий жасорат ва истиқлол сари қўйилган илк қадам сифатида улкан аҳамиятга эгадир. 27 йил давомида ўзбек тилининг жаҳон тиллари ўртасидаги обрў-эътибори ошди. Жумладан, бугунги кунда ер юзиде беш мингга яқин тил мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқий мақоми, тутган ўрни, қўлланиш доирасига кўра уч турга бўлинади. Яъни 6 та халқаро тил (инглиз, француз, испан, рус, араб, хитой тиллари), 200 га яқин давлат тили (ўзбек, қозоқ, немис ва бошқа тиллар), қолган 4800 га яқин тиллар — маҳаллий тиллар (на халқаро, на давлат тили мақомига эга бўлмаган тиллар). Она тилимиз — ўзбек тили 1989 йил 21 октябрда учинчи даражадаги, яъни маҳаллий тил даражасида бўлиб, жуда ҳам ғариб аҳволга тушиб қолган эди. "Давлат тили ҳақида" ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тилини иккинчи босқичга олиб чиқди яъни маҳаллий тилдан давлат тили даражасига кўтарди.

Шунингдек, ўзбек тили давлат тили сифатида тикланди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" деб белгилашни тилимизнинг ижтимоий ҳаётда қўлланилиши мавқесини янада мустаҳкамлади, уни муҳаддас ва буюк тимсолга айлантирди. Жорий йилда миллий тилимизни янада тараққиёт этириш йўлида давлатдаги оламшумул қадам ташланди. Яъни 13 май куни Биринчи Президентимизнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети"ни ташкил этиш тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди. Унда ўзбек тилининг тарихий тараққиёти, унинг ҳозирги замон глобаллашув шароитида жамият маънавий ривожланишида тутган ўрни масалаларига эътибор қаратилиши халқимиз юрагининг туб-тубидаги гаплар эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқори-





**Яқинда атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудига 100 йил тўлади. Адибнинг сиёсий ва адабий фаолиятига доир бир неча рисола ва китоблар муаллифи, Гулистон давлат университети профессори Анқабой Кулжонов яратган Шароф Рашидов ҳаётига оид "Адиб ва замон" китобини кенг китобхонлар оммаси анча илиқ кутиб олишган эди. Ўқитувчилар ва талаба-ёшларимиз ушбу рисола ни ўқиб чиқсалар Шароф Рашидовнинг бадиий образ яратишдаги маҳорати билан бир қаторда мустабид шўролар давридаги кўпгина воқеаларга гувоҳ бўладилар. Куйида шу китобдан бир парчани сизнинг ҳукмингизга хавола қиламиз.**

1959 йилнинг 12-14 мартида кечган Марказком Раёсати йиғилиш стенограммаси русчада салкам 500 саҳифани (машинкада) ташкил қилади. Шунинг 20 варақдан кўпроғи Ш. Рашидовнинг Биринчи котибликка қандай сайлангани хусусида. Унга Р. Е. Мельников раислик қилган. Навбатдаги масалага ўтгач, у "Энди МК Биринчи котибини сайлашимиз керак. Номзодни муҳокама қиламиз. Ким хоҳлайди сўзга чиқишни?" - дейди. Биринчи бўлиб Марказком котиби З. Раҳимбобоева сўз олади ва шундай дейди: "Бизга ўртоқлар, ҳозир фавқуллода ҳурматли, тайёргарлиги катта, саводли, МК бюросини атрофига жипслаштирадиган, МК ичида дўстлик ва аҳиллик ҳамда МК Бюроси аъзолари, номзодларига талабчанликни кучайтирадиган нодир кислатларга молик раҳбар керак.

У юксак ақл-заковатли, халқ билан жипс, зиёлилар билан алоқаси яқин инсон бўлиши лозим. Шу боис мен Биринчи котиблик лавозимига Шароф Рашидович Рашидов номзодини муносиб деб биланам". Бу таклифни биринчи бўлиб Ўзбекистон Компартияси котиби М. Абдураззоқов, сўнгра Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Г. Габриэльянц: "Мен ҳам қўллаб-қувватлайман" дея маъқуллашди.

Тошкент вилояти партия комитетининг биринчи котиби С. Нуриддиновнинг нутқидан кичик бир парча: "Менимча, Шароф Рашидов номзоди жуда муносиб ва барча кишилар томонидан қўллаб-қувватланади. Биринчидан, у бутунлай кенг билимдон инсон сифатида нодир. У жуда принципал ва кадрларга, одамларга ўта сезгир муносабатда бўлади".

Министрлар Совети Раиси М. Мирзааҳмедов ҳам фикрини лўнда баён этади: "Ш. Рашидов номзоди бир йил олдин ҳам қўйилган эди. У жуда меҳнатсевар инсон. Олий Совет Президиуми Раиси экан, кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини юксакликка кўтаришда иштирок этиб келди. Адабиёт ва санъат, кино ва республикамиз маданиятининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга кучли ёрдам берди. Менимча, Бюрода ҳам, Пленумда ҳам бир овоздан маъқулланади".

Мен бу ўринда сўзга чиққанларни хронологик тартибда келтирдим. Бунинг боиси бор. Маълум бўладики, Бюро аъзоларидан беш киши Ш. Рашидов номзодини қўллаб-қувватламоқда, яъни кўпчилик маъқулламоқда. Шундай бўл-

гач, яна муҳокамани давом эттириш зарурияти бормиди? Шундай савол туғилиши ҳам табиий бир ҳол.

Ниҳоят, олтинчи бўлиб Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбо-

ди, деб ҳисоблайман. Икки номзодни — ўртоқ Рашидовни ҳам, ўртоқ Алимовни ҳам Пленум маъқуллашига ишончим комил. Лекин биз Рашидов номзодини бир овоздан тавсия этишимиз керак". О. Алимов эса ўз сўзида кадрлар

сари М. Муҳаммаджонов сўз олади ва Ш. Рашидов номзодига қарши эмаслиги ҳамда унинг бу лавозимга муносиб эканлигини махсус қайд этади. Лекин у Ш. Рашидовнинг соғлиги унчалик яхши эмаслигини рўқач қилиб, О. Алимов номзодини тавсия этади. Шундан сўнг Раёсатда икки номзодга тавсиф ва характеристика бериш бошланиб кетади. М. Муҳаммаджоновдан сўнг Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Р. Фуломов сўз олади ва Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг катта анжумани ўтганини, шу боис Тошкент иккинчи Бандунг бўлиб қолишида Ш. Рашидов хизматларига юксак баҳо беради. Айна пайтда, у Ш. Рашидов ҳар тарафлама муносиб номзод эканлиги ва О. Алимов ҳам шу ўринга лойиқ номзодлигига эътибор беради. М. Муҳаммаджонов, Р. Фуломов ва Министрлар Совети қошидаги Давлат Хавфсизлик Комитети раиси А. П. Бизов бу масалада Ш. Рашидовнинг шахсий фикрини эшитиш масаласини кўндаланг қилиб қўядилар. Шунга кўра Ш. Рашидов сўз олади ва "Мен ўртоқ О. Алимов учун овоз бераман", дейди. Фуломов иккинчи бор сўзга чиқди. Аввалига "Мен қўллаб-қувватлайман", деган Г. Габриэльянц ҳам, М. Абдураззоқов ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишни зарур деб ҳисоблайдилар. М. Абдураззоқов Ш. Рашидовнинг Олий Совет Президиуми раиси ва МК Бюро аъзоси сифатида ҳам бошқалардан кам фидоийлик кўрсатмаганлигини, айна вақтда, жаҳоннинг ярмини кезиб чиққанини тавсиф этади. "Биз кечалари дам оламиз — ухлаймиз. У эса кечани-кеча демасдан, дам олмай асарлар яратяпти. Бундай асарлар билан гурурланишимиз керак". Улардан кейин Фарғона обкоми котиби Т. Камбаров, сўнгра О. Алимов ва С. Камолов сўз оладилар. Т. Камбаров фикри: "Мен МК Бюро аъзоларининг кўпчилиги МКнинг биринчи котиблиги лавозимига ўртоқ Шароф Рашидовни тавсия этиш таклифини кирита-

танлашда жиддий хатолар устига яна қусурларга йўл қўйилаётгани, бу ҳол шармандали кечаётгани, шу боис ўтган йили ҳам Ш. Рашидов номзодини таклиф этганини, ҳозир ҳам бу шахснинг обрўси беқиёс катта ва уни тўла равишда қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Ниҳоят, мажлисга раислик қилган Мельников Биринчи Шахс номзоди хусусида баён этилган фикр-мулоҳазаларни мухтасар бир тарзда яқунлайди: "Бугун Бюро аъзолари барчани жипслаштирадиган ва халқ орасида машҳур бўлган ва катта ишонч қозонган инсон — Шароф Рашидов деб тўғри хулосага келадилар. Энди яқдиллик билан, бир овоздан Пленумга беришимиз керак".

Раислик қилувчининг "Ўртоқлар, овозга қўямизми ёки йўқ?" деган саволига: "Йўқ" деган жавоб бўлади. Ш. Рашидов ҳақидаги таклиф яқдиллик билан қабул қилинади.

Мен бу ўринда 1959 йилнинг 14 мартида кечган Раёсат мажлиси ва унда сўзга чиққанларнинг фикрини қисқа бир тарзда шарҳладим холос. Комил Икромов эса Москвада "Литературная газета"да эълон қилган мақоласида бундай тарихий ҳужжатлардан мутлақо хабарсиз эканлигини рўйи-рост намоён этди. Биринчидан, Комил Икромов уч кун давом этган сиёсий раёсатда фақат Ш. Рашидов номзоди хусусида баҳс бўлган, деб ҳисоблайди. Бу мутлақо нотўғри. Юқорида келтирилган ҳужжатлардан маълумки, мажлисининг икки кунда С. Камолов раҳбар бўлиб келган Раёсатнинг фаолияти, унинг қатор қусурлари муҳокама этилади. Иккинчидан, Комил Икромов ўз мақоласида: "Сиёсий Раёсатда Ш. Рашидов ва бошқа номзодга овоз беришлар тенг бўлинди, баҳс

кетидан баҳс давом этди, Москвага кетма-кет мурожат этишди, яна муҳокама бошланиб кетди", деб талқин қилади. Ниҳоят, у "Ш. Рашидов ўз номзоди учун ўзи овоз беради, шу туфайли масала унинг фойдасига ҳал бўлади", деб талқин қилади. Бу қорани оқ, оқни қора дейишнинг айна ўзи эмасми? Худди шундай! Ш. Рашидов вафотидан сўнг мен ва жўраларим ҳам К. Икромовнинг бундай ноҳуш, ҳеч бир асоссиз айбнома билан чиқишлари ҳақида кўп ўйладик. Бунга асос ҳам бор эди. Чунки, биз Ш. Рашидовнинг ўз касбдоши Комил Икромовга йўлланган меҳр тўла мактубларидан, айна вақтда К. Икромовнинг устоз сифатида Ш. Рашидовга меҳр-муҳаббат билан битган қатор хатларидан бохабар эдик. Уларнинг ўзaro қизгин меҳр тўла муносабатлари тўғрисида мазкур асарнинг "Дахшатли иллат ва қабиҳлик" фаслида нақл этаман.

Тўғри, К. Икромов марҳум, унинг носоғлом чиқишини муайян даражада кечириш мумкин. Биринчидан, ўша йиллари "рашидовчилик"ка қарши ақл бовар

қилмайдиган даражада қураш кенг авж олган эди. Шунга яраша ҳақиқатдан йироқ турли-туман миш-мишлар кўпайиб кетган бир давр. Иккинчидан, узоқ йиллар мобайнида Ш. Рашидовга ҳар хил йўллар билан қарши туриб келган казо-казолар мавжуд эди. Замона зайли билан уларнинг айримларига республикамизда юқори лавозимларга кўтарилиш насиб этди. Р. Нишонов, Р. Фуломовлар шулар жумласидан эди. Эҳтимол, К. Икромов шундай шахслар таъсирига тушган ва уларнинг миш-мишларини рост деб билган бўлиши ҳам мумкин. Бу ўринда "Литературная газета"да (1988 йил 28 декабрь) чоп этилган яна бир мақола — "Қурашчанлик"ни эслаб ўтишни зарур деб ҳисобладим. Бу мақола рус тилидан ўзбек тилига шу ном билан ағдарилди, "Совет Ўзбекистони" газетасининг 1989 йил 5 январь сонидида эълон қилинди. Мазкур мақолада Р. Фуломовнинг Ш. Рашидовга (1965 йил 31 июль) Л. И. Брежневга (1965 йил 5 декабрь, 1968 йил 24 июнь), ниҳоят И. Усмонхўжаевга (1986 йил 9 апрель) битилган хатлари асосида таркиб топган. Уни Ю. Заречкин ва В. Соколовлар нашрга тайёрлаган ҳамда "Литературная газета"да бостириб чиқарганлар. Яқин ўтмишда битилган хатларга маълум бир йўналишда шарҳлар ва баҳолар берилган. Ҳозирча мақоланинг бир нуқтасига мухтасар тарзда тўхтаб ўтаман. Р. Фуломов Ш. Рашидовга йўллаган хатида ёзади: "1959 йил бошларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида Марказий Комитет Биринчи секретарлиги лавозимига сенинг номзодинг қўйилиб, муҳокама этилаётганда фикрлар бўлинди. Сенинг

номзодингга Республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари, академик М. Муҳаммаджонов қарши чиқди. У сенинг район, шаҳар ва область партия органларида раҳбарлик ишларида тажриба орттирмаганлигини, республика экономикасини, айниқса, кишлоқ хўжалигини билмаслигини кўрсатиб ўтди. М. Муҳаммаджоновни бошқалар, шу жумладан, мен ҳам қўллаб-қувватладим, сенинг номзодингга "розилар" ва "қаршилар" сони баравар чиққач, сандан шу масала хусусида фикр билдиришни сўрашди. Сен "рози"ларга қўшилдинг ва Марказий Комитет биринчи секретари бўлиб олдинг". Олти йилдан кейин битилган мазкур мактуб муаллифи Р. Фуломов 1959 йил мартида кечган Марказком Раёсати фаол иштирокчиси. Унинг Ш. Рашидов хусусидаги фикрларини эсланг. Юқорида мен улардан кичик бир парча келтирганман. Мактубда битилган нуқтаи назарлар билан улар орасида зиддиятлар тўла даражада. Иккинчидан, Ш. Рашидов учун "розилар" ва "қаршилар" сони баравар бўлган эмас. Учинчидан, Ш. Рашидовнинг ўзи "розилар" гуруҳидан чиқиб, "қаршилар" даврасида туриб "О. Алимов номзодини қўллаб-қувватлайман" деган. Бу жараённинг жонли гувоҳларидан бири Р. Фуломов бўлган-ку! Бир неча йил ўтгач, у бафакнинг бутунлай акси ҳақида гувоҳлик берапти. Ҳатто Ш. Рашидовни айблайпти, фактларни сохта талқин қиляпти. Бундай сохталikka ишонмиш мумкинми? Асло мумкин эмас! Бугина эмас, Р. Фуломов "Раёсатда сенинг номзодингга қарши чиққанларнинг аҳволи кейин қандай бўлди?" - дея савол қўяди. Бу саволга жавоби ҳам галати. Яъни Мельников, О. Алимов ва бошқаларнинг номини тилга олади. Раёсат мажлисида Мельников ҳам, О. Алимов ҳам Ш. Рашидов номзодига қарши чиқмаган, аксинча, фаол ҳимоя қилган, қўллаб-қувватлаган. Ҳатто О. Алимов унда аввалги йили бўлган Раёсат мажлисида Биринчи котибликка тўрт номзод қўйилганда ҳам Ш. Рашидовни муносиб номзод деб майдонга чиққан эди. Ш. Рашидов Биринчи котиб бўлгач, орадан уч йил ўтгандан сўнг раёсат таркибининг янгиланиб бориши, яъни Мельников, О. Алимов, А. Бизов ва бошқаларнинг бундай масъулиятли ва катта вазифалардан кетиши - бу алоҳида бошқа масала. Эҳтимол, тарихий ҳужжатларни синчиковлик билан ўрганиш асосида бундай масалаларга ҳам жавоб чиқар ва маълум даражада ойдинлик киритилар.

Қисқаси, мен мазкур асарининг шу фаслида Ш. Рашидовнинг Ўзбекистонда Биринчи шахсдек юксак лавозимга сайланиши тарихи ва бу борада рўй берган турли хил талқинларга эътибор беришга интилдим. Муайян даражада мунозаралар қилдим. Ҳақиқат ва унинг чироғи эса баҳсларда туғилади ва ёнади, деган ақидага амал этдим.

Президент И. А. Каримовнинг буюқ жасорати ва сайй-ҳаракатлари билан Ш. Рашидов номи оқланди, бор ҳақиқат аста-секин юзага чиқмоқда. Акс ҳолда, бу улғ сиймо ҳақида яна қанча сохта ва бўҳтондан иборат мақолаларга дуч келармидик. Ҳамиша ҳақиқат, адолат тантана қилаверсин.



# KUZ ILHOMLARI

Туркум

## Чекиниш

"Очиқ ойдин айтаман дилдан:  
Сен бу йўлда ноҳақсан — ноҳақ!"  
Ҳайнрих ҲАЙНЕ

Қадамимда хато лиммо-лим,  
Олган ҳар бир нафасим гуноҳ.  
Ўзимга ҳам ноаниқ кўнглим,  
Ўзимга ҳам бўйсунмайди гоҳ.

Кечиримлар...  
Сўрамайин, кел,  
Не фарқи бор қилганинда авф?  
Кечирсанг ҳам ўзгармайди феъл,  
Мендан сенга ўша-ўша хавф.

Бироқ сендан ўтинчим мангу —  
Менга ишқинг бўлса муттасил.  
Кўзларингни шартта юмгину,  
Қандай бўлсам, шундай қабул қил.

Нафратга ҳеч алишма меҳринг,  
Муҳаббатни қилма қатагон.  
Бу дунёда ахир инсоннинг,  
Хатоларсиз яшаши гумон.

Майли, мени не десанг дегин,  
Гумроҳ ата — кўнглига асир.  
Бир нарсани унутма лекин,  
Фариштамас, инсонман ахир.

Инсон билан бахтни забт этмоқ,  
Ниятингни?  
Кўлларимдан тут!  
Орзуингда фаришта бўлса,  
Гулим, мени яхшиси унут.

\* \* \*

Қалбдан сени ҳис этган оним,  
Эриб кетар бўлди ҳижроним.  
Ҳади қилар бўлдим забоним,  
Муҳаббатим асрагин фақат,  
Бундан жоним айлайди роҳат.

Ўтса куним ҳижронинг билан,  
Ўтса туним ёлгонинг билан,  
Қолсамда кўп армонинг билан,  
Муҳаббатим асрагин фақат,  
Бундан жоним айлайди роҳат.

Меҳрим жўшса дарёдай тошқин,  
Куйга солсам севгимни жўшқин,  
Сен ёнимда қолардинг шошқин,  
Муҳаббатим асрагин фақат,  
Бундан жоним айлайди роҳат.

Дил йиғлайди кунда ўтинчда,  
Овутарман тунда овунчда,  
Яраланди руҳим соғинчда,  
Муҳаббатим асрагин фақат,  
Бундан жоним айлайди роҳат.

Менда бори муҳаббат бўлди,  
Муҳаббат деб юрагим тўлди,  
Жисмим қолиб жонгинам ўлди,  
Муҳаббатим асрагин фақат,  
Бундан жоним айлайди роҳат.

Менда бори фақат муҳаббат...

Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ,  
Тарих факультети талабаси.

## Пахтазорда ёзилган шеърлар

### Чиқ, узтироби

"Сен ҳалиям икки эгат наридасан,  
Пахтазорда қолиб кетган муҳаббатим".  
Шербек КАРИМБЕК

Кеч куз эди. Октябрнинг субҳидами.  
Кўк юзида парку булут қатим-қатим.  
Тутқатордан пахтазорга ўтар йўлда,  
Гулим, сен-ла биринчи бор танишгандим.  
Кўнглимизда аллақандай ажиб ҳислар,  
Ўртамизда икки эгат, бор йўғи шу.  
Бизга қараб шивирлашар ғаламислар,  
Бу не савдо: кимга туйғу, кимга қайғу?..  
Гап-сўзларга кўл силтадим, аста бориб,  
Дедимки, сен дунёда энг яхши инсон.  
Киприкларинг пирпирарди ерга боқиб,  
Сўнгра чопиб кетдинг қирмиз уфққа томон.  
Пок туйғумни англадингми, билолмадим,  
Мана энди юрагинда алам музлар.  
Бундан ортиқ изҳори дил қилолмадим,  
Ахир, атрофимиз тўла ғаламислар.  
Куз. Пахтазор. Октябрнинг субҳидами.  
Кўк юзида алвон булут қатим-қатим.  
Тутзор йўлдан олов бўлиб чопиб борар,  
Пахтазордан қочиб кетган муҳаббатим.  
Энди мангу юрагимнинг қаъридасан,  
Дилда эса пушаймонлар: нега айтдим?!  
"Сен ҳалиям икки эгат наридасан,  
Пахтазорда қолиб кетган муҳаббатим".

Кўк юзида армон булут қатим-қатим...

### Кўнги лзаги кузак

"Гоҳида биз аразлашиб қолар, шундай  
пайтларда руҳим куз фаслидагидай рутубат касб  
этарди. Лекин билардимки, баҳор барибир  
келади. Ҳамиша шундай бўлган".  
Гюннар СТОЛЕСЕН

Бир куни келади шундайин замон,  
Соғиниб қоласан ҳазилларимни.  
Сўраб-суриштириб излайсан обдон,  
Таниш-билишлардан манзилларимни.  
Шундай кўмсайсанки, ҳали шошмай тур,  
Сўзларимдан ясаб оласан тумор.  
Сен қадрламаган менгина қургур,  
Шундай соғинтириб бераман озор.  
Балки гина қилиб ўпкалайсан ҳам,  
Дейсан: Телефон ҳам қилмайди мундоқ.  
Меҳримни сезмаган, эй бедил санам,  
Айтгин, неча бора қилдим кўнғироқ?!  
Сен томон талпиндим, сени истадим,  
Соғинишинг кутдим, сезар деб зора.  
Мен учун фурсатинг етмади лекин,  
Ниҳоят умидим уздим. Начора...  
Сен эса... Ҳозирча сезмайсан буни,  
Вақтинг ўлчовлидир, ишларинг тигиз.  
Сен мени соғиниб излаган кунини,  
Тангрим ҳузурда бўламан сенсиз.  
Рақамимни топиб, билмадим қайдан,  
Аста терасану ва тинглайсан жим.  
Дейман сархуш ҳолда илоҳий майдан,  
Гўшакни кўтариб: лаббай, севгилим...

### Соғинч сатрлари

Шамол. Тўзон. Кўпчиди осмон.  
Булут кўчди — қадами оғир.  
Зулмат билан қолланди жаҳон,  
Лек ёғмади мен кутган ёмғир.

Ўтди бир кун. Ўтди бир ҳафта.  
Куз фасли ҳам ўтди — тошбағир.  
Юрак мисли қолди қафасда,  
Кутган эдим фақат бир ёмғир.

Кимда қандай бўлади тоқат,  
Кимдир қилар Худо, деб сабр.

Ёмғир эди ўтинчим фақат,  
Тилаганим эди бир ёмғир.

Кўёш эса кулар муттасил,  
Уфқнинг энг порлоқ ерида.  
Энди кўкдан ёғмаган ёмғир,  
Ёғар қалбим овлоқларига.

Шамол тинди. Овунди осмон.  
Булут кўнди — қадами оғир.  
Мен йўлига интиқ бўлган он,  
Қайлардадир ёғарди ёмғир...

Бахт номсиз ва мавҳум нарсаларнинг  
уюмидан иборат галактикага ўхшайди.  
Унинг келиши ҳам маълум эмас, кетиши  
ҳам. Аммо завқидан кўра асорати бор-  
лигини ларзага солади.

Бировнинг гофиллиги — бошқанинг  
омади. Минг афсуски, шу пайтгача ҳеч  
ким гофилликнинг ҳам ўлчовини топган  
эмас, омаднинг ҳам. Ақлу идрок ушбу  
зиддиятлар орасида сарсон кезади.

Ҳасад ором билмайди. Бу яхшими ёки  
ёмон? Ялқов учун — ёмон, фаол учун —  
яхши. Яратиш ўйида ором билмай изла-  
наётган ақл ҳасаддан чўчимади.

Сукут — ёлғизлик туридир. Сукутда  
фикр пишиб етилади. Эҳтиёт бўлинг,  
сукутни гофиллик деб ҳам аташлари

мумкин, аслида сўзамолликда аъмоллик  
кўп.

Амалиётга ҳеч тадбиқ этиб бўлмайдиган  
фанларни фойдасиз деб билмаслик  
керак, улар фикрларни тартибга солиш,  
ўткир қилиш ва ривожлантиришга ёрдам  
беради. Балки схоластика ва догматика  
ҳам бирор нарсаларни англашга ўрга-  
тар...

Ўқиш — оқиллар билан суҳбат, ҳара-  
кат эса гофиллар билан учрашувдир.  
Оқиллар билан гофиллар ёнма-ён юри-  
шидан бу дунёда нима кўплигини гоҳ  
тополмайсан.

### Хотима

Сентябрь — юрагим қуёши,  
Октябрь — ишқимнинг дояси.  
Ноябрь — кўнглимнинг кўзёши,  
Куз — балки... умрим ниҳояси.

Тоғлар оқ чакмонин ёпинур,  
Табиат мудрайди эртадан.  
Кўнғилда жимирлар оппоқ нур —  
Баҳорда тирилгум қайтадан!

Орифжон ОДИЛОВ.

### Тафаккур талқинлари

Мушоҳада — ахлоқ-одоб доирасидаги  
бекорчиликдир. Агар шундай бўлганида  
инсон ахлоқсизлик, беодоблик нима экан-  
лини билмай ўтарди.

Агар биз бир кун буюк мақсадларга  
эришишни истасак нафақат эзгу орзулар,  
ҳатто худолар ҳам шу заҳоти бизга ёрдам-  
га келадилар. Ушбу позитив истак буюк  
мақсадларга етишни қийинлигини ин-  
кор этмайди.

Виктор АЛИМАСОВ,  
«Фалсафа ёхуд фикрлаш  
санъати» китобидан

Ziyo chashmasi

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институтини

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Тахририятга келган хатлар таҳлил  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда  
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.  
Босишга топширилган вақти - 19.00

Навбатчи муҳаррир: О.Одилов  
Диз@йнер: А.Абдурахмонов

Манзил:  
Ш. Рашидов шоҳ  
кўчаси,  
Абдулла Қодирий  
номидаги Жиззах  
Давлат педагогика  
институтини

«Жиззах-принт»  
босмахонасида чоп  
этилди.  
Корхона манзили:  
Жиззах шаҳри, 130100.  
Сайилжойи кўчаси, 4-уй.

Офсет усулида 2700 нусхада босилди.  
Буюртма № 1667. Shaki-A3.